



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 30 ноябрь, № 247 (7205)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИЯЛАРНИ КЕНГ ЖАЛБ ЭТГАН ҲОЛДА ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 29 ноябрь куни Хоразм вилоятига келди.



Давлатимиз раҳбари Хоразмга ташрифлари чоғида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, sanoat ва қишлоқ ҳўжалигини таркибий ўзгариши, ижтимоий объектлар барпо этиш ва инфратузилмани яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича қатор вазифаларни белгилаб берган эди.

Утган даврда ҳудудда қўлаб янги корхоналар, кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Санот, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, туризм, таълим ва бошқа соҳаларда истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Йирик корхоналар, ўй-жойлар, таълим муассасалари, ижтимоий-маданий объектлар қурилди. Яна қўлаб лойиҳалар бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Президентимиз вилоятга бу гагли сафарини Шовот туманидан бошлади.

Давлатимиз раҳбари бундан икки йил муқаддам “Uztex” компаниялар гуруҳига Шовот туманининг чекка ҳудудидан юқори технологик имкониятларга эга тўқимачилик корхонаси ташкил этиш ва маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан топшириқлар берган эди.

Шу вақт ичида илгари мавжуд бўлган корхона негизидан илгор технологиялар билан жиҳозланган, мингдан ортиқ иш ўринларига эга қўшма корхона ишга туширилди.

Қиймати 65 миллион доллар бўлган лойиҳанинг дастлабки босқичида Италиянинг “Лонати” компаниясида ишлаб чиқарилган 528 та, жорий йилда яна 512 та пайпоқ тўқуш дастгоҳи харид қилинди. Йилгига 30 миллион долларлик 70 миллион жуфт пайпоқ тайёрлаш қувватига эга қўшма корхонада ишлаб чиқариш жа-

раёни тўлиқ инновацион технологиялар асосида бошқарилади.

Утган йили корхонада 5,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, икки бозорга йўналтирилди. Жорий йилдан тўла қувват билан ишлаб бошлаган корхонада октябр ойи ҳолатига қўра 12,5 миллион жуфт пайпоқ тўқилди. 3,85 миллион долларлик маҳсулот АҚШ, Россия, Молдова, Украина каби қатор мамлакатларга экспорт қилинди.

Давлатимиз раҳбари корхона қосида ташкил этилган логистика маркази, тўқув, қадоклаш цехлари, лаборатория фаолияти билан танишиди, ишчиларга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Мазкур корхона технологик имкониятларига қўра дунёда санокли, Марказий Осиёда ягонадир. Бу ерда айни кунда пайпоқ, сочик каби тўқимачилик маҳсулотларининг янги моделларини ўзлаштириш ва экспорт қилишни ошириш бўйича иш олиб боришмоқда.

Иқтисодиётимизга инвестиция қилишти, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича берган топшириқларимиз тўғрйли бугун тадбиркорларда қўрқув йўқолди. “Корхона очаман, иш ўрни яратаман”, деганга ҳеч қандай тўсиқ йўқ, бизнес учун барча кафолатлар яратилган. Бундан хорижий ҳамкорлар ҳам манфаатдор бўлиб, экспортга ҳисса қўшишмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда Хоразм вилоятида тўқимачилик саноатини ривожлантириш, “Dereler Textile” МЧЖ томонидан “Хазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудидан енгил саноат мажмуаси ташкил этиш, Шовот туманида аралаш ва пахта калава ил ишлаб чиқариш бўйича янги

йигирув фабрикаси қуриш, Урганч шаҳрида “Textile Finance Horezm” МЧЖ томонидан тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Тошкент вилоятининг Паркент туманида Заркент санаторийсини барпо этиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари енгил саноат тармоғини жадал ривожлантириш, маҳсулот экспортини кенгайтириш, қўшимча даромад манбалари ва иш жойини қўлайтириш юзасидан зарур қўрсатмалар берди.

“Katqal’a teks” қўшма корхонаси ҳудудида Хоразм вилоятини ривожлантиришга доир иқтисодий лойиҳалар тақдими тўқилибди.

Малайзиянинг “Serba Dinamik Group” компанияси вице-президенти Палендран Палачандрани давлатимиз раҳбарига “Хазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида каустика сода ишлаб чиқариш заводи барпо этиш инвестиция лойиҳасини тақдим этди. Қиймати 250 миллион доллар бўлган лойиҳа 100 фоиз компания инвестицияси томонидан амалга оширилди. Корхона ишга тушган, йилгига 33 минг тонна каустика сода ва 30 минг тонна хлор ишлаб чиқарилади. 150 та иш ўрни яратиладиган корхона маҳсулотлари тўлиқ экспорт қилиниши режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг Малайзия, Саудия Арабистони, Туркменистондаги элчихоналари томонидан вилоятга хорижий инвестиция лойиҳалари олиб келишмоқда. Хусусан, Малайзиядаги элчихона томонидан каустика сода ишлаб чиқариш лойиҳасидан ташқари қандолат маҳсулотлари, тиббий косметология хизматлари қўрсатиш эстетик марказини очиш, тайёр тўқимачилик ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экс-

порт қилиш, Саудия Арабистонидаги элчихона томонидан Хива шаҳридаги Оллоқулихон ва Қўтлуғ Мурод Инок мадрасаларини қайта таъмирлаб, уларда меҳмонхоналар ташкил этиш, “Обод қишлоқ” дастури доирасида Хоразм вилоятига Исрол тараққиёт банкнинг 100 миллион долларлик имтиёзли кредитини жалб этиш, Туркменистондаги элчихона томонидан воҳага сайёҳлар оқимини қўлайтириш юзасидан лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Тақдимиот чоғида Президентимиз мазкур лойиҳаларнинг аҳамиятига эътибор қаратди. Ҳудудга жалб этиладиган хорижий инвестицияларни қўлайтириш юзасидан мутаассадиларга топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев Урганч — Хива поезидида Хива шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил январь ойида Хоразм вилоятига ташириди чоғида Урганчдан Хивага темир йўл ва Хива шаҳрида замонавий вокзал барпо этиш, бу йўлда электропоездлар, келгусида юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” теззорар поезди қатновини йўлга қўйиш лозимлигини қайд этган эди. Қўсқа фурсатда бу эзгу ташаббус амалга оширилди.

Вокзал биноси Хоразм меъморчилиги намуналарини ўзидан акс эттириб, унда замонавий VIP зал, она ва бола, тиббиёт хоналари мавжуд. Вокзалда 35 илчи бир вақтинч ўзида 200 йўловчига хизмат қўсатади. 20 ўринли меҳмонхона юрдошларимиз ва туристларга қўшимча қўлайлик яратди.

Вокзалдан “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхона мажмуасигача бўлган масофа 2 километр. Бу шаҳарда туризмни янада ривожлантириш, сайёҳларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Урганч — Хива темир йўл йўналиши ва Хива вокзали расман очилди. Келгусида Хивага “Afrosiyob” теззорар поезди қатновини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Президентимиз вокзал инфратузилмасини янада яхшилаш, йўловчиларга халқаро стандартлар асосида хизмат қўрсатиш, сайёҳларга янада қўлайликлар яратиш юзасидан қўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Хива темир йўл вокзали билан “Ичан-Қалъа” мажмуаси ўртасида барпо этилаётган хиббонни қўздан кечирди. Бу ҳам давлатимиз раҳбарининг аввалги ташрифлари чоғида берилган топшириқ ижроси бўлиб, Хивага янгича қўсқа бачишлади.

Хиббоннинг икки тарафида икки қаватли туризм объектлари қурилган. Уларнинг биринчи қаватида хунармандлик устоналари, савдо ва маиший хизмат дўконлари, иккинчи қаватида оилавий меҳмонхоналар, рестороанлар ташкил этилган. Бу хиббон ва шохобчалар сайёҳларга қўшимча қўлайлик яратиш билан бирга, одамлар учун иш ўрни, даромад манбаи ҳам бўлади.

Президентимиз шу ерда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш, Хива шаҳрининг тарихий қисмини батафсил режалаштиришга оид лойиҳалар билан танишиди. Уларда мамлакатимизда халқаро брендидаги меҳмонхоналар бунёд этиш, савдо ва сервисни кенгайтиришга қаратилган режалар тақдим этилди.

Шавкат Мирзиёев хорижий ишбилармонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг инвестиция тақлифлари бўйича қўрсатмалар берди.

Бизнес нима дегани? Манфаат дегани. Ўзбекистонда туризм жуда манфаатли, истиқболли соҳа. Шунинг учун бу соҳага тадбиркорларни, инвесторларни қўпроқ жалб этиб, уларга “яшил йўлак” қилиб бериш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Хива яқинида қўп қаватли уйлар қуриб, шаҳарнинг тарихий қисмида яшаётган аҳолини босқичма-босқич қўчириш, қалъа ичидидаги уйларни сайёҳлик объектларига айлантириш зарурлиги таъкидланди.

Биз чет эллик сайёҳларни қадимий тарихимиз ва қадриятларимиз билан жалб қилишимиз мумкин. Лекин Хоразмнинг, Хиванинг тарихи тўлиқ ўрганилмаган, уни таништириш бўйича тизим ҳам йўқ. Шунинг учун Хоразм тарихини энг қадимги даврдан бошлаб ўрганиб, одамларга содда тилда тушултириш керак. Хивага келган одам катта таассурот, биллим олиб кетсин, бу ерда қўпроқ қилиб вақтини маълумли ўтказсин, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Фанлар академияси, Хоразм Маъмун академияси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа тегшлии ташкилотларга шу бўйича топшириқлар берилди.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ишлаб чиқариш ва илм-фан интеграцияси асосида мамлакатимизда йиллачилик соҳаси учун мутлақо янги ишлаб чиқариш йўналишларига асос солимоқда. Бу борада дастлабки ютуқларга эришилди. “Khiva Silk Fabric”

корхонасида амалга оширилаётган йирик лойиҳа улардан бири.

Президентимизнинг пиллачилики янада ривожлантириш борасидаги ташаббуси асосида ташкил этилган мазкур корхона жойлашган бино 1976 йилда қурилган, кейинги 15 йил мобайнида бўш турган эди. Ташландик бинода иш бошлаган корхонада инновацион ғоялар, креатив ёндашулар асосида ишлаб чиқилган лойиҳанинг биринчи босқичи жорий йил август ойида ишга туширилди. Кластер усулида йилгига 140 тоннадан зиёд қуруқ пиллани қайта ишлаш қувватига эга корхонада 110 та доимий иш ўрни яратилди.

Амалга оширилган диверсификация ишлари натижасида қиймати 1,1 миллион долларга тенг экспорт шартномалари имзоланди. Улар асосида Хитой ва Покистонга ипак маҳсулотлари етказиб бериш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари корхонада амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар билан танишиди, ишлаб чиқарилиши қўлайлаётган янги маҳсулотлар намуналарини қўздан кечирди.

2019 йилдан ипак толасидан мато ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, ғўмбакдан лаборатория усулида ёғ олиш йўлга қўйилади. Ипакни олгандан кейин пилла ичида қолдиган ғўмбака шу кўнча чикини сифатида қаралган. Оксигла жуда бой ғўмбақдан косметологияда ишлатиладиган қимматбаҳо ёғ олинади. Хитойда бу ёғнинг 1 литри 40 — 50 доллар турди.

Корхонада хитин ва хитозан моддалари, биологик фол қўшимчалар, ғўмбак консерваси, тут баргидан чой ва ширинликлар ишлаб чиқариш ҳам қўзда тутилган.

Хитин ва хитозан моддаси ўсимлик уруғи чиришининг олдини олади, тез ривожланишига ёрдам қилади. Ҳозирча бу маҳсулотлар мамлакатимизга чет элдан олиб келишмоқда. Ўтиборлиси, тут баргидан ширинликлар ишлаб чиқариш илк бор йўлга қўйилмоқда.

Корхонада ипак олиш учун ишлатиладиган сув чўкмасидан совун олиш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Пиллани ивитиш давомидан унинг таркибидидаги 18 хил аминокислота, цитрицин ва фебрин каби моддалар сувга ўтади. Шу вақтгача бу сув оқизиб юборилган. Намуна шаклидаги совунлар хушбўйлиги, шифобахшалиги билан ажралаб туради.

Шу ерда хитойлик ҳамкорлар билан ипак уруғи ишлаб чиқариш, чорвачилик, паррандчилик, балиқчилик, боғдорчилик, қўвоннинг ҳосилдор ва экспортбоқ навларини яратиш, асосий ва такрорий экинда шили етиштириш, Хоразм шароитида ердан унумли фойдаланиш каби қатор истиқболли лойиҳалар тақдимиоти ўтказилди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Матназр ЭМУРОДОВ,
Зийдулла ЖОНИБЕКОВ,
Улуғбек АСРОРОВ,
Ўза махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот
хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Ф А Р М О Н И

МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш, экспорт қилувчи ташкилотларни давлат томонидан қўлаб-қувватлаш, шунингдек, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг қўлайтирилишини рағбатлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб товарлар (ишлар, хизматлар)ни, шу жумладан, комиссионер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши 15 фоиздан юқори бўлган юридик шахслар солиқ солинадиган базани:

товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган фойда қисми юзасидан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича;

товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган қисми юзасидан ягона солиқ тўлови бўйича камайтирадилар.

Ушбу бандда назарда тутилган имтиёзлар иловага мувофиқ рўйхат бўйича хом ашё товарларини экспорт қилишга, шунингдек, халқаро ташишлар (автотранспортдан ташқари) ҳамда узатиш қувурлари ва газ қувурлари орқали етказиб бериш хизматларига нисбатан таъбиқ этилмайди.

2. Белгилансинки, ушбу Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган имтиёзлари натижасида тўланмаган маблағлар қўйидаги холларда қонун ҳужжатларига мувофиқ, пеня ҳисобланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилади:

товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти фактини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда;

товарлар экспорт режимига чиқарилган кундан бошлаб 180 кун мобайнида валюта тушуми таъминланмаганда.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги янги тахиррдаги Солиқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда ушбу Фармонга мувофиқ берилаётган имтиёзларни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу Фармонга мувофиқ имтиёзларни қўлаш устидан тизимли назорат ўрнатсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 ноябрь

Эътироф

Александр ЛУКАШЕНКО:

«Шавкат Мирзиёев —
Ўзбекистонни севадиган ва
якши биладиган, мамлакат учун
жуда қўп эзгуликлар қилган инсон»

Беларусь
Президенти
Александр
Лукашенко
мамлакатимизнинг
ушбу давлатдаги
элчиси билан икки
томонлама
ҳамкорлик
истикболларини
муҳокама қилишга
бағишланган учрашувда Шавкат Мирзиёев
Бош вазир сифатида фаолият юритган
давридаёқ Ўзбекистонни ривожлантириш
стратегиясида алоҳида қатнашганини
таъкидлади.



“Шавкат Мирзиёев — Ўзбекистонни севадиган ва яхши биладиган, мамлакат учун жуда қўп эзгуликлар қилган инсон. У барча муаммони чўқур билади. Шу боис Президент сифатида иш бошлаганида унга ён-атрофдаги ҳолатнинг аслини билишга ҳожат йўқ эди. У ҳаммасини ичкаридан қўрди. У тезда ўзгартирди ва ҳамма соҳада муваффақиятларга эришди”, дея Беларусь раҳбарининг сўзларидан иқтибос келтирди унинг матбуот хизмати.

“Мен қўлаб Президентларни қўрдим — ҳеч биримиз етилиб қолган муаммоларни бу қадар фаол ва тезда хал қилмаганимиз. Унга шўнчаки қойил. Мен

буни чин дилдан айтганман”, дея таъкидлаган Беларусь раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Президент сифатидаги фаолиятига юқори баҳо бери. Шунингдек, Лукашенко кейинги даврда мамлакатларимиз ҳамкорлигини ривожлантириш борасида аввалги йиллардаги узилишларни бартараф қилишга эришганини қайд этди.

А. Лукашенко икки томонлама алоқаларни ривожлантириш бўйича дастурни тўлиқ амалга оширишга содиқлигига яна бир бор урғу бериб, ушбу режа рўёбга чиқарилишини қаттиқ назорат қилишини билдирди.

ТРАСТ ФОНДИНИНГ ТУЗИЛИШИ

ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ КАТТА ЮТУҒИДИР

Хорижий оммавий ахборот воситаларида эътироф этилишича, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича қўп томонлама шериклик асосида траст фондининг тузилиши ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлди.

ДУНЁНИ **НИГОҲИ**



Янги тузилма фаолият бошлашига бағишланган мақолада АҚШнинг нуфузли **“The New York Times”** газетаси мухбири Орол денгизини буткул тиклаб бўлмаслиги аёнлиги сабабли унинг аянчли оқибатларини юмшатиш ва

Оролбўйида истиқомат қилаётган аҳолининг турмушини яхшилаш, бу ерда иқтисодий ривожланишни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлайди. Траст жамғармаси ушбу масалаларни ҳал қилиш ва қўшимча дастурларни амалга ошириш учун молия манбаларини йўналтириш имконини беради.



Муносабат

«Орол денгизи кетди, лекин одамлар қолди, биз улар ҳақида қайғуришимиз керак»

Орол инқирози — замонамизнинг энг йирик экологик фожиаларидан бири. Бугун у яна бир бор дунё ҳамжамияти эътибори марказида.

Гап шундаки, яқинда БМТ томонидан Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича қўп томонлама шериклик асосида траст фонди тузилиши эълон қилинди. Шу муносабат билан ўтказилган тақдирот маросимида иштирок этган Ўзбекистон делегацияси таркибида Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев ҳам бор эди. У фондни ташкил этишдан қўзланган мақсад ва унинг фаолият йўналишлари, Ўзбекистоннинг Орол денгизи ҳудудидидаги вазиятни бар-

қарорлаштириш бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ҳақида сўзлаб берди.

— Маълумки, ҳалокат миқёси Оролбўйи ва хатто Марказий Осиё минтақасидан ҳам ташқарига чиқиб, глобал муаммога айланди. Бир авлод қўз ўнгида бутун денгиз йўқ бўлиб кетди. Ваҳолонки, мазкур ҳавза сув ҳажми бўйича дунёдаги тўртинчи ёпиқ қўл ҳисобланар эди. Атрофда ҳаёт қайнарди. Вақт ўтиб сув ҳавзаси қурий бошлади.



Александр ЛУКАШЕНКО: «Шавкат Мирзиёев — Ўзбекистонни севадиган ва яхши биладиган, мамлакат учун жуда кўп эзгуликлар қилган инсон»

1

Беларусь етакчиси Ўзбекистон билан дўстона ҳамкорлик жуда яхши ва жадал ривожланиб бораётганига тўхталиб, жумладан, шундай деди: “Биз аввалги йилларда қузатилган ҳамкорликдаги кечикишларни йўқ қилганимиз эришган энг яхши натижамиз бўлди. Мен Шавкат Мирзиёевга буларнинг ҳаммаси унинг хизмати эканлигини айтдим”.

Александр Лукашенко Ўзбекистон Президентининг ўзи учун қўлай бўлган вақтда Беларусга ташриф буюриши мумкинлигини маълум қилди. “Биз Шавкат Мирзиёевни оддий

О. ЛУТФУЛЛАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Фахр

УРГАНЧ МАРКАЗИДА УЛКАН БАЙРОҚ

Урганч шаҳри марказидаги Амир Темуր номидаги маданият ва истироҳат боғида 60 метр баландида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ўрнатилди.

22х11 метр ўлчамдаги байроқ шаҳарнинг чека ҳудудларидан ҳам кўриниб туради. Унинг атрофидаги тўртта фаввора ва йигирмата махсус ёриткич ушбу майдонга ўзгача фэйз бағишлади.

Маълумот учун келтириб ўтамиз, шу йил ёз фаслида пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” саройи олдида 65 метр баландида Ўзбекистон байроғи ўрнатилган эди.



ТРАСТ ФОНДИНИНГ ТУЗИЛИШИ ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ КАТТА ЮТУҒИДИР

1

Буюк Британиянинг “The Guardian” газетасида қайд этилганидек, Шавкат Мирзиёев администрацияси қўллаб масалаларга янгича ёндашув-



ни намоён қилаётди. Республика Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш, инсон ҳаётига ҳалокатли таъсирларни юмшатиш бўйича саъй-ҳаракатларни салмокчи даражада фаоллаштириб, ушбу жараёнда халқро ҳамжамиятини ҳам жалб этмоқда.

“The Conversation” журналида айтилишича, Ўзбекистон Президенти 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида

THE CONVERSATION

Орол фожиасининг глобал даражадаги аҳамиятини тушунириб берганидан сўнг ушбу масала атрофидаги халқро ҳамкорлик кучайиб бораётди.

Траст фонди ташкил этилиши билан экологик инкироз оқибатларини юмшатиш бўйича Ўзбекистон олиб бораётган ишлар институционал асосга эга бўлди, дейилади Германиянинг “Discover Magazine” нашрида. Сўнгги йилларда қўллаб хорижий донор давлатлар ва халқро ташкилотлар минтақадаги муаммоларни ҳал қилиш учун катта маблағлар ажратди. Траст фонди мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни тизимлаштириш, минтақа ривожини учун техник ҳамда молиявий ресурсларни “ягона ойна”

Балиқчилик:

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг январь ойида Хоразм вилоятига ташрифи чоғида ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, турли соҳага тааллуқли лойиҳалар билан яқиндан танишиб, бу борада ўз тақлиф ва тавсияларини берган эди.

Айтиши жоизки, орадан вақт ўтиб, Президентимиз тақлифлари асосида иқтисодийнинг турли соҳаларида, хусусан, балиқчилик тармоғида бир қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилди.

Таҳлил

Шифокорларнинг тавсиясига кўра, инсон бир йилда камда 12 килограмм балиқ истеъмол қилиши лозим экан. Чўнки қорак-қон томир касалликларининг олдини олиш, бош мия фаолиятини, организмдаги моддалар алмашинуви жараёнини яхшилашда ушбу махсулотнинг фойдаси катта. Халқимиз балиқни “лукмаи ҳалол” дея эъзозлашининг боиси ҳам шундадир, балки.

Бугунги кунда Хоразм вилояти аҳолисининг балиқ махсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун йилгига 22 — 25 минг тонна атрофида балиқ етиштириш зарур. Бироқ ўтган йилги вилоятда бу борадаги кўрсаткич 9 400 тоннани ташкил этган. ҳолос. Ваҳолакки, воқеда балиқ бoқиш учун шароит етарли. Ўрганишлар мавжуд

«Орол денгизи кетди, лекин одамлар қолди, биз улар ҳақида қайғуришимиз керак»

1

Бу энг камида қарийб юз мингта иш ўринлари йўқолишига олиб келди. Қорақалпоғистон учун улкан рақам эмасми бу?!

Мазкур ҳолат нима учун рўй берди? Сувдан нооқилона фойдаланиш оқибатида обихаёт ҳажми сезиларли даражада камайиб кетди. Бу эса туз концентрациясининг кескин кўтарилишига сабаб бўлди. Денгизда ҳаёт аломатлари деярли қолмади. Балиқлар, қушлар, ҳайвонларнинг ўнлаб турлари йўқолди. Одамларнинг денгиз билан бевосита бог-лик бўлган ҳўжалик фаолияти тўхтади. Бугун бу ерларда қўм бўронлари кўтарилади. Сахро эса денгизни сиқиб чиқарган. Ҳар йили Оролнинг қакшаган тубидан тонналаб қўм ва туз шомол билан ҳавога кўтарилиб, улкан ҳудудларга ёйилиб кетаяпти. Баъзан денгиз қўмлари Арктика, Скандинавияда ҳам учраётди. Энди тузли-қўмли бўронлар экология, ҳаёт ва инсон саломатлигига қандай таъсир кўрсатаётганини бир зум кўз ўнгингизга келтиринг. Масалан, ўтган йилда улар экинлар ҳосилини но-буд қилди. Бу маҳаллий аҳоли, айниқса, фермерларнинг ҳаёт сифатига ҳам таъсир ўтказмай қолмади.

Ўзбекистон Президентини БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида дунё ҳамжамияти эътиборини яна бир бор Орол ҳудудидаги ҳалокатли вазиятга қаратганидан хабарингиз бор. Бинобарин, Инсон ҳавфсизлиги бўйича қўп томонлама шериклик асосида траст фондини яратиш юзасидан ишлар бошлаб юборилди. Фикримча, бу тўртта долзарб вазифани ҳал этишга кўмак беради.

Биринчидан, Оролбўйининг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётига маблағлар йўналтирилади.

Иккинчидан, комплекс интеграл ёндашувлар таъминланиб, халқро жамоатчилик, БМТ институтлари ва бошқа ташкилотлар саъй-ҳаракатлари бирлаштирилади.

Учинчидан, молиявий маблағларни ўзлаштириш учун янгича ёндашувлар ишлаб чиқарилади ҳамда улар минтақани инновацион ривожлантиришга қаратилади. Бу эса маблағлардан оқилона фойдала-

ниб, кўпроқ вазифаларни ҳал этиш имконини беради.

Тўртинчидан, ажратилаётган ресурслар самарали ишлатилади.

Шулар асосидаги ижобий ўзгаришларни эса одамлар ўзларидеа ҳис этишлари керак. Соғлиқни сақлаш, таълим, сув таъминоти сифатини ошириш, иш ўринлари яратиш шулар жумласидандир.

Мураккаб экологик вазият, ичимлик суви билан боглиқ муаммолар аҳоли саломатлигига ёмонлашувига олиб келди. Афсуски, турли, айниқса, ўпка касалликлари кўпаймоқда. Қорақалпоғистонда болалар ўлими сони Ўзбекистондаги ўртача кўрсаткичлардан икки баробар зейдир. Буларнинг барчаси Орол денгизи куриши асоратлари-дир. Зеро, ушбу сув ҳавзаси табиий экотизимнинг бир қисми эди, унинг йўқолиб кетиши эса шомол йўналишлари, иқлим, бутун минтақанинг барқарор ривожланишига жиддий таъсир қилди.

Биз Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун БМТ раҳбариятидан, хусусан, улкан ҳиссаси учун шахсан БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ҳамда БМТнинг бошқа институтлари, Норвегия, Япония, Нигерия каби ҳамкор давлатлардан миннатдоримиз. Айни чоғда Норвегия ҳозирнинг ўзидаёқ Траст фондига 1,2 миллион доллар микдоридеа ҳисса қўишини эълон қилди.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, бу Ўзбекистоннинг эмас, балки минтақанинг эксклюзив лойиҳасидир. Оролбўйининг етти миллион аҳолиси — Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон фуқаролари мазкур фонд фаолиятидан сезиларли натижага эга бўладилар. Инсон ҳавфсизлиги бўйича қўп томонлама шериклик асосидаги траст фонди ҳаракатларнинг ягона ва комплекс стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида ҳам

Ўзбекистон МДХ Парламентлараро ассамблеяси тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди

Олий Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев бошчилигидаги мамлакатимиз парламенти делегацияси МДХга аъзо давлатларнинг Парламентлараро ассамблеяси Кенгаши тақлифига биноан Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтаётган ассамблеянинг 48-мажлисида иштирок этди.

Хамкорлик

Сенат Раиси мажлисда нутқ сўзлаб, жумладан, МДХга аъзо давлатлар парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланиб бораётганини таъкидлади. Бундай самарали алоқаларни ривожлантиришга МДХ Парламентлараро ассамблеяси яқиндан кўмак бериб келяпти.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон сўнгги йилларда янги ички ҳамда ташқи сиёсатини муваффақиятли илга-

ри сурмоқда. Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда жамиятда парламент фаолиятининг ролини оширишга алоҳида аҳамият қаратилаяпти. Парламент дипломатияси, икки томонлама ва қўп томонлама парламентлараро ҳамкорлик ривожига жиддий эътибор қаратилаяптани бунинг тасдиғидир.

Ўзбекистон парламенти аъзоларининг МДХ Парламентлараро ассамблеяси фаолиятида тўлиқ

иштирок этиши муносабатларимизда мутлақо янги саҳифа очади, парламент орқали кўп қиррали ҳамда самарали ҳамкорликни тобора кенгайтиради.

Мажлис доирасида Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро ассамблеяси тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди.

Ўзбекистон парламенти делегацияси аъзолари бугун бўлиб ўтадиган Уруш вақтида айрим портлатувчи ўқ-дориларни қўллашни тақиқлаш тўғрисидаги Санкт-Петербург декларациясининг 150 йиллигига бағишланган халқро конференцияда ҳам қатнашди.

Мунисхон КАРИМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бош прокуратура хабари

АГЕНТЛИК МАНСАБДОРЛАРИГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг мансабдор шахслари ҳуқуқбузарликда гумон қилиниб, қамоққа олинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизматининг маълум қилишича, уларга нисбатан Жиноят кодексининг бир қатор мансабдорлик жиноятлари факти юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

Жорий йилнинг 16 ноябрь куни тергов ҳаракатлари давомида Ташқи меҳнат миг-

рацияси масалалари агентлиги директори Р. И., агентлик директори ўринбосари У. Н., агентлик бўлим бошлиғи А. А. ва шўба мудирин О. М.га айб эълон қилиниб, уларга нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган. Тергов жараёнлари давом этмоқда.

Р. ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

Халқ сўзи

Парламент ҳаёти

Энди “Энг яхши натижа кўрсатган нодавлат нотижорат ташкилоти”, “Энг самарали ижтимоий шериклик”, “Энг таъсирчан жамоатчилик назорати” ва “Йил дастурининг ижросини таъминлашда фаол иштирок этган ННТ” каби йўналишларда “учинчи сектор” вакиллари рағбатлантирилиши кўзда тутилмоқда.

Фаол нодавлат нотижорат ташкилотлари рағбатлантирилади

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўрак нишон билан тақдирланади. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси набабатдаги йиғилишида мазкур тадбирларни амалга оширишнинг ташкилий масалалари кўриб чиқилди.

Кун тартибига кўра, дастлаб комиссия аъзолари давлат гранти ажратиш бўйича ўтказилган бешинчи ва қўшимча олтинчи танловларга келиб тушган лойиҳаларнинг яқиний натижалари бўйича Парламент комиссияси Ишчи гуруҳининг ҳисоботини эшитди.

Давлат гранти ажратиш бўйича ўтказилган 2 та танловга жами бўлиб 244 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан 278 та лойиҳа қабул қилинган.

Бешинчи танлов натижаларига мувофиқ, ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга ҳамда ғалиб деб топилган 35 та лойиҳаси 1 миллион 50 миллион сўм маблаб билан қўллаб-қувватланиши юзасидан қарор қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари — олий қадрият” мавзусида эълон қилинган давлат гранти танлови бўйича 20 та лойиҳа молиялаштирилмаган бўлди. Ушбу грантларнинг амалга оширилиши жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, давлат органлари ҳамда фуқаролар ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш, улар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Йиғилишда Парламент комиссияси томонидан ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш масаласи ҳам ўртага ташланди. Президентимизнинг “Мамлакатимиз демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан, бу имкониятни қўлга киритиб, ундан самарали фойдаланганлар энди рағбатлантирилади.

Давлат субсидияси, грантлари ва ижтимоий буюртмаси шаклида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни самарали амалга оширган, аниқ ижтимоий натижага эришган нодавлат нотижорат ташкилотлари танлов асосида саралаб олинди. Шу мақсадда “Ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширган нодавлат нотижорат ташкилотларини муқофотлаш ва танлов ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилди. Комиссия аъзолари унинг лойиҳаси билан яқиндан танишиб, тегишли ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш юзасидан қарор қабул қилди.

Парламент комиссияси аъзолари томонидан кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

М. АЗИЗОВА.

БОЖХОНА назорати

Қинғирлик учун жавоб беришга мажбур

Москва — Тошкент йўналишида катновчи поезд вагон-ресторанида хизматчи бўлган икки нафар шахс божхоначилар оғзаки сўрови давомида ва декларацияда маълум қилмасдан хорижда ишлаб чиқарилган 66 турдаги, қиймати 76,5 миллион сўмлик озик-овқат махсулотлари ҳамда 427 донна пластик идишни олиб киришга уринди. “Уддабуронлар” махсулотлар сифати ҳақида аниқ бир жавоб беришолмади, аммо энди қилмишлари учун жавоб беришларига тўғри келади.

«Томоқ дориси»ми ёки?..

“Тошкент — Москва — Милан” йўналишида парвозга ҳозирланаётган хорижлик шахс ушлаб қолинди. Сабаби унинг юки орасида сигарет қутисига жойлаштирилган оқ рангдаги кукунсимон модда борлиги аниқланди. Унинг ўзи бу “томоқ дориси” эканлигини баён қилди. Айни дамда шу ҳолат бўйича тергов ҳаракати олиб боришмоқда. Бу модда, ҳақиқатан ҳам, “томоқ дориси”ми ёки тақиқланган модда? Тез орада бунга ойдинлик киритилади.

Учувчисиз учиш аппарати нега керак бўлди?

Санкт-Петербург — Урганч йўналишидаги самолётда келган фуқаро Б. Ж. бир донда учувчисиз учиш аппаратини яширинча олиб кираётганда тўхтатилди. У миллий қонунчилигимизда бундай аппаратдан фойдаланиш мумкин эмаслигини наҳотки билмаган? Хўш, у бундан нима мақсадда фойдаланмоқчи эди? Айни пайтда шунга аниқлик киритилмоқда.

Заргарлик буюмлари мусодара қилинди

“Истанбул — Самарқанд” авиарейсида келган фуқаро Д. М. қумшидан аясалган 100 донда узук ҳамда сиғданга яширинча олиб кирмоқчи бўлганда ушланди. Унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 33-моддаси асосида энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари микдоридеа жарима жазоси тайинланди. Буюмлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Анжуман

Тоҳиржон МЎМИНОВ,
Наманган шаҳридаги
«Медиаторсервис»
МЧЖ раиси.

Тоҳиржон МЎМИНОВ,
Наманган шаҳридаги
«Медиаторсервис»
МЧЖ раиси.

Қувасой шахри

Эскича услуб НАТИЖА БЕРМАЙДИ

Мунисхон КАРИМОВА
«Халқ сўзи» мухбири

Статистика қўмитаси
маълумотларига кўра, мамлакатимиз 2018 йилнинг тўққиз
йида 7,4 миллион долларлик қалампирни хорижга сотган.

Бош прокуратура ҳузуридаги
Ахборот-таҳлил мулътимедиа
маркази материаллари асосида
Раҳим ШЕРҚУЛОВ
тайёрлади.

Маҳаллий Кенгашларда

Томорқачиларга жарима солиш билан иш битмайди

Уларга амалий ёрдам бериш керак.

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги томорқаларнинг 1 479 гектарини кўп йиллик дарахтзорлар, 556 гектарини очик экин майдони ташкил этади. Хонадонларда 27,7 минг бош қорамол, 41 мингта қўй, 5,5 минг бош эчки, икки мингдан ортиқ йилқилар боқилмоқда. Очик майдонларга эса помидор, бодринг, пизё каби экинлар экилиб, мўл ҳосил етиштириляпти.

Аммо ўрганиш жараёнида томорқа имкониятларидан унумли фойдаланмаётган хонадонлар ҳам аниқланди. 300 та ана шундай хонадонга амалий ёрдам кўрсатилди, 42 та хонадон эгаларига эса ер солиқларини уч марта кўпайтириш чораси белгиланди.

Халқ депутатлари Паркент тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида депутатлар томонидан айнан шу масалага доир танқидий-таҳлилий фикрлар ўртага ташланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан туманда олиб боришган ишлар муҳокама қилинди.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, солиқ



инспекцияси, профилактика инспекторлари, бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари-дан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Секторлар кесимида мавжуд 54 та маҳалладаги 25,5 минг хонадонда бўлиб, томорқа имкониятидан қандай фойдаланилаётгани ўрганилди. Натижалар эса айрим хонадонларда ўз ҳаётини фаровон қилиш имкониятидан тўлиқ фойдаланилмаётгани аниқланди. Албатта, жарима солиш билан иш битмайди. Уларга амалий ёрдам бериш керак. Туманда томорқа имкониятларидан самарали фойдаланаётган, бу борада кўпчиликка намуна бўлаётган хонадонлар кўп. Уларнинг тажрибасини омаллаштириш жуда муҳим. Масалан, номданаклик

Шафоат Нурова етти йил аввал имтиёзли кредит ҳисобидан бир сотих майдонга иссиқхона қуриб, 7 туپ лимон ва улар оралигига қўқат эккан эди. Лимон ҳосилига киргач, қарзи-


ҳам сўз борди. Фермерлар 70 центнерлик маррани кўзлаб, меҳнат қилмоқда. Лекин лалми ерларга экилаётган галла ҳосилдорлиги йил сайин камайиб боряпти. Шу боис лалми майдонларда тоқзор ва боғлар ташкил этиш ҳақидаги таклиф илгари сурилди. Бир гектар майдондаги тоқзордан 7 тонна узум олиш мумкин. Агар тоқлар томчилатиб сугорилса, бу кўрсаткич 3-4 баробар ошади. Даромад ҳам шунга яраша бўлади. Бу синалган усул. Лекин амалиётта фан, агротехнология янгиликларини, инновацион ғояларни жорий этишда ҳали-ҳануз фермерларда ташаббус етишмаяпти.

Олий Мажлис Сенати аъзолари қатнашган мазкур сессияда қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланаётганлар ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу кунги бўлиб ўтган халқ депутатлари Бўқа тумани Кенгаш сессиясида ҳам мазкур масала кўриб чиқилди. Депутатларнинг бу борадаги ҳақсий жавобгарлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги олдида



Президентимизнинг 2018 йил 2 апрелдаги “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори қардош халқ улуг сиймосига юртдошларимиз томонидан кўрсатилган ҳурмат-эътибор, меҳр-муҳаббатнинг амалий ифодаси бўлди.

Чингиз Айтматов умри давомида амалга оширган ишлари, умуминсоний мавзулар қаламга олинган бадиий юксак асарлари билан ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда, қалбимизда “Эзгулик курашчиси” деган ўзига хос портретни яратиб кетгани, шубҳасиз.

Рост сўзини айта олган инсон

Дунё халқларини тинчлик, дўстлик ҳамда иноқликда яшашга қорлаган адиб табиатан гоёт куюнчак, ҳақ сўзини ниҳоятда мардлик ва жасорат билан айта оладиган инсон эди. Айтматов учун башариёт тақдирини ижобий томонга ўзгартиришга таъсир ўтказадиган кичик масаланинг ўзи йўқ эди.

Бунга ўзим кўп гувоҳ бўлганман. 1978 йили Москва меҳмонхонасида тасодиқий учрашиб қолдик. Қисқа суҳбат давомида адиб Қирғизистонда ўша вақтларда халқ учун клуб, театр, кутубхона ёки онгни оширадиган иншоот қамлиги, йўлларни тартибга келтириш учун арзирли иш қилинмаётганини афсус билан сўзлаганди.

Чингиз Айтматов мавжуд муаммоларни собиқ Марказ сессияларида ҳам очик-ойдин кўтариб чиққан. Масалан, 1977 йил якуний ҳисоботи ва 1978 йил давлат piani, яъни Иттифок режаларини кўриб чиқишга бағишланган мажлисда сўз олиб, Қирғизистондаги ачинарли ҳолатни — аччиқ ҳақиқатни айтди. Муҳокамага ташланган маса-

лаларнинг айримлари кейинчалик ечимини топади.

Айтматов улуг гуманизм эгаси сифатида ном қолдирган буюк шахс ҳам эди. Бу инсоннинг дунёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалардан, турли минтақалардаги ҳолат-вазиятлардан нафақат хабардорлиги, балки уларнинг маъзини қақиб, моҳиятида ётган турли мақсад-муддаоларни таҳлилий асосда кенг жамоатчиликка етказиб борганлигини ўша вақтларда марказий нашрларда чоп қилинган кўплаб публицистик мақолалари, турли конференция ва анжуманларда сўзлаган нутқлари исботлайди.

“Чўққида қолган овчининг оху зори” деб номланган асарида у шундай ёзади: “Икки қардош халқ бир-бирининг ёқасидан ушлаб туришарди. Қарама-қаршиликни қандай қилиб бартараф этиш мумкин? Қўтилмаганда аланга олиб кетган низоини қандай тўхтатиш мумкин? Бизни ушбу муаммолар гоётда қийнар эди. Ҳар

бир соатда янги бир хабар етиб келар эди. Юрак-бағримиз ўртаниб амалий ҳаракатга шошилар эдик”.

Ўзбек халқига нисбатан уюштирилган “Ўзбек иши”, “пахта иши” каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида халқимиз шаъни, обрў-эътиборини ҳимоя қилиб чиққан, вазиятга объектив баҳо берган инсонлар орасида Чингиз Айтматов ҳам бор эди. Унинг “Шўролар даврида ҳам, ундан кейин ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимиз ва юзимиз бўлиб келган. Биз Туркистон тоғлари ва қўлларидан бирга яшаймиз. Ўзбек халқи ўзининг гўзал ва бетакрор миллий хусусиятлари билан, шубҳасиз, барча тан олган шундай ҳурматга лойиқдир”, деган сўзлари бугун ҳам ҳар биримизни гурурлантириб, эл-юрт тақдирига дахлдор бўлиб яшашга ундаб туради.

Шабот ХўЖАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР
ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ
ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 8 СЕНТЯБРДАН 14 СЕНТЯБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 8 сентябрдаги 457-мқ-сон “Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомага қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.
2018 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-2. (2018 йил 10 сентябрдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 августдаги 48, 120, 340-В-2-сон “Йодланган тузни реализация қилишдан тушган маблағларнинг бир қисmini Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги “Саломатлик-3” лойиҳасини амалга ошириш марказий бюросининг махсус ҳисоб рақамида жамлаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2828-2. (2018 йил 13 сентябрдан кучга кирди).
3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 10 августдаги 117-сон “Бюджет таснифни қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.
2018 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-9. (2018 йил 15 сентябрдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/8-сон “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.
2018 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-14. (2018 йил 15 сентябрдан кучга кирди).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР
ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ
ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 15 СЕНТЯБРДАН 21 СЕНТЯБРГАЧА
МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти
2018/2019 ўқув йилига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент ҳамда ўқитувчи-стажёр ўринлари учун танлов эълон қилади.

Автомобиль йўллари ва сўний иншоотлар факультети бўйича:

- Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедраси: кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи-стажёр.
- Автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилиш кафедраси: кафедра мудири, профессор, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи-стажёр.
- Кўприклар, тоннеллар ва йўлўтказгичлари кафедраси: ассистент.
- Ижтимоий фанлар кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
- Йўл ҳўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил этиш кафедраси: ассистент.
- Математика кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи-стажёр.
- Мухандислик графикаси ва ахборот технологиялари кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент.
- Табиий фанлар кафедраси: кафедра мудири, доцент.

Йўл-қурилиш машиналари ва автомобиль транспорти эксплуатацияси факультети бўйича:

- Йўл-қурилиш машиналари ва жиҳозлари кафедраси: кафедра мудири.
- Йўл-қурилиш машиналари ва жиҳозларини таъмирлаш ва эксплуатация қилиш кафедраси: ассистент.
- Автомобиль транспорти эксплуатацияси кафедраси: доцент, катта ўқитувчи.
- Экология ва ички ёнув двигателлари кафедраси: кафедра мудири, доцент, ассистент, ўқитувчи-стажёр.
- Транспорт логистикаси кафедраси: профессор, катта ўқитувчи, ассистент.
- Амалий механика кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
- Тиллар кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи.

Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

- ректор номига ариза;
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- маълумотнома (объективка);
- диплом ва аттестатлар, илмий даражаси ҳамда илмий унвони нусхалари;
- малака оширганлик тўғрисида гувоҳномалар нусхалари;
- илмий ишлар ва иштиролар рўйхати;
- паспорт нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.
Эслатма: мазкур институтда ишловчи мутахассислар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар. Танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказадилар.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темурашхона, 20-уй, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти, ходимлар бўлими, 156-хона. Телефон: 71-232-15-29.

Тадбиркорлар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!
Бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси
қуйидаги объект қурилиши юзасидан пудрат ташкилотини аниқлаш учун энг яхши таклифлар танлови бўйича очик харидлар ўтказилишини маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2853-сонли қарориди белгиланган лойиҳани амалга ошириш доирасида Сирдарё вилояти, Сайхунобод туманидаги **«Сайхунобод деҳқон бозори» МЧЖ**ни реконструкция қилиш ва унинг ҳудудида бир қаватли минимаркет, ёрдамчи иншооти билан 50 ўринли енгил металл конструкциялардан тайёрланадиган йиғиш-ёйиш павильонини ўз ичига олган IV типли замонавий савдо мажмуасини қуриш.

Харид ишларининг охири қиймати: ҚҚСни ҳисобга олганда **3 282 413 241 сўм**, ҚҚСни ҳисобга олганда **2 735 344 368 сўм**ни ташкил қилади.

Молиялаштириш манбаси: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки маблағлари.

Қурилиш муддати: пудрат шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб — **180 кун**.

Буюртмачи: **бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси**.

Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғуломов кўч., 95-уй, тел.: 71-236-23-18.

Савдоларда қатнашувчилар учун қуйидаги квалификацияловчи (таснифловчи) талаблар қўйилади: харид буюми қийматининг 20 фоиз ҳажми (656 482 648 сўм)даги айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишларни амалга ошириш учун зарур ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассислар, шартнома имзолаш учун фуқаровий-ҳуқуқий лаёқат ҳамда ваколат, охириги уч йилда шу каби объектлар ва харид объектлари бўйича иш тажрибаси мавжуд бўлиши керак.

Харид ҳужжатлари **exarid.uzex.uz** сайтига жойлаштирилади. **ЛОТ: № 9040704.**

Харидларда иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси — **бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекциясининг қуйидаги манзилига мурожаат қилиш лозим:**

Тошкент ш., Я. Ғуломов кўч., 95-уй, тел.: 71-236-23-18, 71-233-83-27; электрон почта — nbu.direksiya@mail.ru.

Харид ташкилотчисига таклиф юборишининг охириги муддати — 2018 йил 7 декабрь.

Таклифларни очиш 2018 йил 10 декабрь кунини соат 10.00 да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй.

Ушбу жойда Сизнинг рекламangиз бўлиши мумкин эди!
Манзил: Тошкент ш., Матбўтчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

«Халқ сўзи» Ааги Реклама — бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тажриятта келган қўлаб-қўлаб тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер терминали ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — Р. Шеркулов.
Мусахҳих — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.50 Тошпирилди — 01.45 1 2 3 4 5 6